

Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги асосида лизинг фаолиятини такомиллаштириш асослари

Б.С.Қалмуратов
Г.М.Алламуратова
Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация: Мақолада мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги асосида лизинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари ва лизингнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги зарурлиги ҳақида сўз юритилади. Шунинг билан бирга лизинг жараёнларини амалга оширида унинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уни баҳолаш услублари ўрганилган.

Калит сўзлар: лизинг, лизинг фаолияти, лизинг муносабатлари, давлат-хусусий шерикчилиги, лизинг олувчи ва лизинг берувчилар, лизинг шартномаси

Basics of improvement of leasing activities on the basis of public-private partnership in agriculture

B.S.Kalmuratov
G.M.Allamuratova
Karakalpak State University

Abstract: The article talks about the directions of improvement of leasing activities based on public-private partnership in the agriculture of our country and the necessity of leasing in the development of agriculture. At the same time, the factors affecting the improvement of its effectiveness in the implementation of leasing processes and the methods of its assessment have been studied.

Keywords: leasing, leasing activities, leasing relations, public-private partnership, lessee and lessors, lease agreement

Қирши. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган. Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва тоқзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришlash ва йиғиб олишга мўлжалланган техникалар билан бор-йўғи 34 фоиз таъминланган, холос. Бу меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 16 минг 495 та қишлоқ хўжалиги техникаси

етишмаслиги аниқланган. Бунинг оқибатида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг имкони бўлмаяпти ва шунинг учун пировард натижада кутилган самарага эришилмаяпти¹.

Адабиётлар шарҳи. Лизинг муносабатларини ўрганишга Ғ.Д.Дусмуратов, И.Э.Рафиқов, И.О.Сатторов, С.С.Исмаилова, Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабилов, А.Г.Мўминов, О.М.Кулжанов² каби олимларни илмий ишлари бағишланган.

Замонавий иқтисодиётда ва жамиятда давлатнинг роли муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар орасида алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим: Н.С.Хушматов, Т.Ҳ.Фармонов, Ф.Ҳ.Назарова, Б.Ф.Султонов³ ва бошқа муаллифлар ўз тадқиқот ишларида лизинг муносабатларини ўрганган.

Аммо, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида давлат ва хусусий сектор ўзаро муносабатлари соҳасидаги масалалар умуман қараб чиқилмаган. Лизинг механизми самарадорлигини ошириш мақсадида лизинг схемаларини қўллаш асосида қишлоқ хўжалиги машина трактор паркани ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этишга методик ва ташкилий-методологик ёндошувларни ривожлантириш зарурати туғилади.

Асосий қисм. Асосий машина трактор паркларини янгилаш муаммосини ҳал этишнинг самарали йўлларида бири лизинг механизмидан фойдаланиш ҳисобланади. Аммо қишлоқ хўжалиги соҳасида бундай механизмдан фойдаланиш қатор қийинчиликлар билан боғлиқ, улар ишлаб чиқариш воситаларига қобилиятли талабнинг пастлиги, ҳамда қишлоқ хўжалигида лизинг фаолиятини ривожлантириш учун ажратилаётган давлат ресурсларининг чекланганлигидан иборат.

Мавжуд ҳолатда давлат сиёсати томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун хусусий сектор салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш учун давлат-хусусий шерикчилиги механизмидан фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш ҳозирги вақтда энди бошланди. “Худудларда

¹ Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир./ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2017 йил 7 декабрь. ЎЗА. <https://president.uz/uz/lists/view/1331>.

² Ғ.Д.Дусмуратов, С.С.Исмаилова. Лизинг асослари. О‘қув қўлланма. - Тошкент, 2016 у. 160 бет; Рафиқов И.Э. Турли мулк шаклларида фаолияти кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига техник сервис хизматини ташкил этиш масалалари. (Андижон вилояти мисолида). Дисс. и.ф.н. –Т.: 1998, 154-б; Исмаилова С.С. "Ўзбекистон агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари". Монография. -Т: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ". -2011. -123 б; Сатторов И.О. Агросаноат мажмуида лизинг тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш. Дисс. и.ф.н. –Т.: 2001, 155-б; Ғозибеков Д.Ғ., Сабилов О.Ш., Мўминов А.Г., Кулжанов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технология, 2004, 308-б. 71.

³ Хушматов Н.С. Ғўза навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – 123 б; Султанов Б.Ф. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлиги // Монография. – Тошкент: Tafakkur, 2018 й. – 200 б.

замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. Бироқ бу борада етарли иш олиб борилмаётганини қайд этиш жоиз. Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак⁴”.

Кўпчилик олимлар ва мутахассислар шундай механизм ўзининг хусусиятларига кўра давлат ва хусусий сектор кооперациясидан ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иқтисодийнинг турли соҳалари ва тармоқлари айтиб келмоқда. Аммо қишлоқ хўжалигида давлат хусусий шерикчилигини қўллашга керакли эътибор қаратилмади, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш соҳалари ва механизмни ташкил этиш хусусиятлари қараб чиқилмади.

Фаол ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодийда ижтимоий эҳтиёжлар ўсиши билан бюджетдан молиялаштириш имкониятларининг ўсиб бораётган етишмовчилиги сезилмоқда. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида зарур ресурсларни жалб этишнинг тўлиқ имконияти бўлади, ваҳоланки шундай қишлоқ хўжалиги каби таваккалчиликли тармоқда давлат томонидан қўшимча кафолатлар хусусий секторга ўзининг инвестиция рискларини пасайтиришга имкон беради.

Жаҳон амалиётида йирик кўламли ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда жамият ва хусусий секторларнинг ўзаро самарали алоқаларига кўпчилик мисоллар мавжуд. Улар, энг аввало, битим томонлари ўз зиммасига оладиган мажбуриятлар миқдори бўйича фарқланади. Шунга мувофиқ, томонлардан бири ўзига қанчалик кўп функция ва ваколатларни олса, лойиҳани амалга оширишда унинг иштироки шунчалик кўп бўлса, ўзаро муносабатларнинг мазкур модели шунчалик кўп даражада хусусийлаштириш ёки национализация қилиш схемасини эслатади. Агар бизнес ва ҳокимият ўзаро алоқалари типларини муакамал кўриб чиқсак, унда маълум даражада шартли улушда ДХШ мақсадларига мос равишда турли хил ташкилот, молиялаштириш ва кооперация моделларини ажратиш мумкин. ДХШнинг ажратилган типлари (моделлар) идеал ҳисобланади ва фақатгина назарий фикрлаш учун қулайли, чунки амалиётда шерикликда ўзида бир неча моделларни бирлаштирган шакллардан фойдаланилади.

ДХШ доирасида битимларнинг муҳим қисми – лойиҳа иштирокчилари ўртасида вазифаларни, имкониятларни ва рискларни тақсимлашдир. Бунда, қоидага кўра, қуйидаги шартга риоя қилинади: конкрет масалани ҳал этиш бунга энг катта самара билан қилиши мумкин бўлган шерикка юклатилади. Давлат ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. ЎЗА. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

хусусий сектор ўртасида вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш лойиҳани амалга ошириш соҳасига боғлиқ.

Ижтимоий хизматлар (ижтимоий бойликлар) қай даражада кўп аҳамиятга эга бўлса, уни кўрсатиш билан боғлиқ бозор рисклари шунчалик паст ва давлат томонидан тартибга солишга бўлган эҳтиёж шунчалик юқори бўлади. Инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси гувоҳлик бериб турибдики, давлат кўпинча бозор рискини маълум асосий шартлар доирасида ўз зиммасига олади. Давлатнинг функцияси рисклар ва имкониятларни тақсимлашга боғлиқ. Агар хусусий инвестор лойиҳа бўйича рискнинг энг катта қисмини ўз зиммасига олса, унда давлат лойиҳа бажарилишига арилишида чекланган ҳуқуққа эга бўлади ёхуд уни асосан назорат қилади. Давлат лойиҳа билан боғлиқ бюджет даромадларининг кўпайишидан фойда қилади ҳамда билвосита самаралардан наф кўради: ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги ўсиши ва конъюнктураси жонланиши.

Алоҳида лойиҳалар доирасида ДХШнинг оптимал тузилиши манфаат кўриш учун имконият яратади, у қуйидаги каби омиллар билан боғлиқ:

- инфраструктура соҳасида энг муҳим лойиҳаларни жуда тез амалга ошириш;

- ҳудудларни ривожлантиришни жадаллаштириш;

- хал хўжалиги самарадорлигини ошириш (иктисодий таҳлилда кўпинча ҳисобга олинмайдиган);

- хизмат кўрсатишнинг механизмлари ва моделларини яхшилаш;

- давлат бошқаруви зиммасидаги юкни енгиллаштириш;

- инвестиция харажатларини пасайтириш (тежаш инвестицияга сарфланадиган харажатларнинг 30 % гача етиши мумкин);

- миллий ва халқаро қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш ва молиялаштиришнинг янги манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобига молиялаштириш структурасини оптималлаштириш.

Шерикликнинг ташкилий шакллари доимо кенгайиб боради. Масалан, давлат сектори хусусий шериклар мавжуд компанияга қўшилиши мумкин.

Хулоса. Бугунги кунда ҳар бир соҳада инновация ва изланиш янги ютуқларга эришиш, мустаҳкам рақобатни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, кишлок хўжалигида ҳам замонавий усуллардан оқилона фойдаланиш ижобий самаралар бермоқда.

ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг турли хил механизмларидан фойдаланилади. Улар хусусий шерикка ўтказиладиган мулкый ҳуқуқларнинг ҳажмига, томонларнинг инвестиция мажбуриятларига, шериклар ўртасида рискларни, турли хил турдаги

ишларни, шу жумладан, қурилиш, эксплуатация қилиш, бошқариш ва бошқаларни бажаришга жавобгарликни тақсимлаш принципларига қараб табақалашади. Охирги вариантлар ёхуд ҳар бир шерик томонидан барча қонуний мол-мулк ҳуқуқларини сақлаб қолинадиган оддий контрактларни (иш ва хизматларга контрактлар), ёхуд тўлиқ хусусийлаштириш, яъни мол-мулк ҳуқуқини давлатдан хусусий тадбиркорга узил кесил ўтказишни ифода этади. Ушбу кутблар ўртасида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мумкин бўлган кўпчилик вариантлари ва шакллари жойлашган, булар мулкдорнинг у ёки бу қонуний ҳуқуқларининг давлатдан хусусий тадбиркорга тегишли битимда назарда тутилган муддат ва шартларда турли даражадаги ён беришга асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4765-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4876863>.
3. G.D.Dusmurov, S.S.Ismailova. Lizing asoslari. O'quv qo'llanma. - Toshkent, 2016 y. 160 bet.
4. Дусмуратов Ғ.Д. Қишлоқ ва сув хўжалигида лизинг тўловларини қайтариш рискин баҳолаш методикаси // Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. 11-12 апрель 2017 йил. Тошкент 2017. 464-467 б.
5. Kalmuratov B.S., Allamuratova G. Features of the Development of the leasing market in Uzbekistan// Science and Education in Karakalpakstan//№1/1 (22) 2022 94-97 page.
6. Исмайлова С.С. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда "Ўзагролизинг" акциядорлик жамиятининг роли ва аҳамияти // Журнал. Иқтисодиёт ва таълим. Тошкент - 2017 йил. 2-сон. 133-137-бетлар.
7. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари (2010-2020 йй) ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари (2010-2020 йй.).